


БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ



Болаларнинг таълим-тарбияси, улар вояга етаётган муҳит уларнинг келажак тақдирини белгилайди. Шу боисдан ҳеч биримиз болаларнинг келажагига бефарқ бўлолмаймиз.

Қумкўрғон тумани Агросаноат касб-хунар техникумидаги Болалар ишлари бўйича комиссияси аъзолари ва Болалар хуқуқини ҳимоя қилиш шўъбаси ходимлари учун семинар ташкил этилди.

Унда ЮНИСЕФНИНГ миллий маслаҳатчилари, тренерлар Нигора Абдурахмонова, Нигора Козиева, Нурмуҳаммад Қурбоновлар томонидан болалрга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш, ушбу жараёнларга аралашиш, уларни ҳал қилиш, бу борада масъулларни жалб этиш каби масалалар амалий мисоллар ва инновацион услублар орқали тушунтириб берилди.

Семинарда иштирокчилар фикр мулоҳазаларини билдиришди ҳамда мавзуга доир маълумотларга эга бўлишди.